

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

30 март 2018 й.г. № 250

Тошкент ш. – г. Ташкент

“Тошкент-Шарқий” аэродроми базасида фуқаролик (хизмат) авиациясининг замонавий аэропорт мажмуасини қуриш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент-Шарқий” аэродроми базасида фуқаролик (хизмат) авиацияси замонавий аэропорт мажмуасини қуриш” лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 январдаги ПҚ-3456-сон қарори талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент-Шарқий” аэродроми базасида фуқаролик (хизмат) авиацияси замонавий аэропорт мажмуасини қуриш” лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 январдаги ПҚ-3456-сон қарорига мувофиқ:

“Тошкент-Шарқий” аэродроми Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфидан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига ўтказилгани;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда “Тошкент-Шарқий” аэродромининг бинолари, иншоотлари ва лойиҳа майдонини, шунингдек, қурилиш зонасига кирмайдиган ҳудудларни аниқлаш ишлари амалга оширилгани;

“Тошкент-Шарқий” аэродроми базасида фуқаролик (хизмат) авиациясининг замонавий аэропорт мажмуасини (кейинги ўринларда аэропорт мажмуаси деб аталади) қуриш ишлари бошлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 1-иловага* мувофиқ “Тошкент-Шарқий” аэродроми бинолари ва иншоотларини тегишли ҳудуди ҳамда уларда ўрнатилган ускуналари билан, шунингдек, муҳандислик коммуникацияларини ва аэропорт мажмуаси зонасига кирадиган 94 ҳамда 122-ҳарбий шаҳарчаларини (Тошкент вилоятининг Қибрай тумани) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ устав капиталига давлат улушини кўпайтириш ҳисобига;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2-иловага мувофиқ “Тошкент-Шарқий” аэродроми бинолари ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан ҳамда аэропорт мажмуасини қуриш зонасига кирмайдиган 94 ва 122-ҳарбий шаҳарчаларини (Тошкент вилоятининг Қибрай тумани) Тошкент вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда текин бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Тошкент механика заводи” АЖнинг “Тошкент механика заводи” АЖ устав капиталида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ улушини 3-иловага мувофиқ бериладиган объектларнинг қолдиқ баланс қиймати суммасига камайтирган ҳолда, аэропорт мажмуасини қуриш ва ундан кейинчалик самарали фойдаланишни таъминлаш учун “Тошкент механика заводи” АЖнинг бинолари ҳамда иншоотларини тегишли ҳудуди билан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга қолдиқ баланс қийматида бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, 122-ҳарбий шаҳарчанинг кўп квартиралли уйда бериладиган хизмат квартиралари ва 94-ҳарбий шаҳарча меҳмонхонаси хоналарининг тегишли равишда ҳисобга олиниши ҳамда тақсимланишини таъминлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига юклансин.

5. Махфий.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А.Ғуломов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.